

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 7 январь, № 4 (8066) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.**

Суҳбатда давлат раҳбарлари Қозоғистондаги вазиятнинг ривожланиши, республикадаги ҳолатни барқарорлаштириш, тез фурсатда тинчлик ва осойишталикни қайта тиклаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон етакчиси Қозоғистоннинг биродар халқи ва раҳбариятини уларнинг мамлакат барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларида доимо қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлади.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА КУН ТАРТИБИ ВА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Суҳбатда давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклик муносабатларининг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар, шунингдек, минтақадаги вазият, шу жумладан, қўшни Қозоғистонда вужудга келаётган ҳолат юзасидан фикр алмашдилар.

Икки мамлакат етакчилари ҳозирги воқеаларнинг иштирокчиси бўлган томонларни вазминликка ва вужудга келган масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишга чақирдилар.

Давлат раҳбарлари минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга бундан буён ҳам биргаликдаги саъй-ҳаракатларни қаратишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

**ЎзА.**

## ИККИ ДАВЛАТ ЕТАКЧИЛАРИ МИНТАҚАВИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА ФИКР АЛМАШДИЛАР

**6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.**

Суҳбат давомида икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболларини, ҳамкорликни янада фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар. Шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги вазият, хусусан, Қозоғистонда вужудга келаётган ҳолат юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар Қозоғистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган барча чораларни кўриш зарурлиги тўғрисида умумий фикр билдирдилар.

Шу билан бирга, давлат раҳбарлари вужудга келган ҳолатни тинч йўл билан ҳал қилишнинг ҳамда зўравонлик ва вазият кескинлашувига йўл қўймасликнинг муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

**ЎзА.**

## 8 январь — Прокуратура органлари ходимлари куни

*Асрлар давомида озод, эркин, фаровон ҳаёт, адолатли жамият халқимизнинг орзуси, хоҳиш-истаги бўлиб келди. Бу орзу рўёби йўлида халқимиз мислсиз машаққатларни бошидан ўтказди, курашларда тобланди, синовларни енгди. Бинобарин, эл-юртимизнинг ўтмиши айнан ана шу курашлар ва синовлар тарихидан иборатдир, десак, хато бўлмайди.*

## МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ ОЛИС ТАРИХИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ ТИЗИМ

Бироқ илгари бундай шонли тарихни чуқур ўрганиш, холис талқин қилиш, шу тариқа миллатимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини таранну м этиш имкони чекланган эди.

Ваҳоланки, Ватанимизнинг, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди, соҳа ва тармоғи шу қадар бой ўтмишга, ноёб анъаналарга эгаки, уларнинг ҳар бири тўғрисида залворли китоблар ёзиш мумкин.

Хусусан, тараққиётимизнинг янги босқичида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг, давлат манфаатларининг том маънодаги ҳимоячисига, қонун устуворлиги ва адолат тантанасини таъминлашнинг муҳим воситасига айланиб бораётган прокуратура тизимининг ҳам узоқ йиллик тарихи, бугунги қизғин ҳамда кенг кўламли фаолиятининг ўзига хос ривожланиш босқичлари бор.

Илк бор мустақил давлатнинг прокуратураси сифатида эътироф этилган ва бу мақоми қонуний тарзда мустаҳкамланганига 30 йил бўлган тизимимиз миллий давлатчилигимизнинг олис тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Тарихдан маълум, давлатчилик пайдо бўлибдики, тартибга солувчи қонун-қоидалар, барча учун мажбурий бўлган нормалар яратилган. Албатта, уларнинг ижроси ҳам назорат қилиб келинган.

➡ 2

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА ФАОЛЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

*Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоевнинг Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг Евроосиё ишлари бўйича махсус вакили Ли Хуэй билан учрашуви бўлиб ўтди.*

### Ҳамкорлик

Унда Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, жумладан, парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ли Хуэй Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотларга юксак баҳо берди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик дўстона, ўзаро манфаатли хусусият касб этиши алоҳида айтиб ўтилди. Халқаро кун тартибидаги асосий масалалар бўйича томонлар позицияларининг мос келиши ёки яқинлиги ҳамкорликнинг ривожланишига кўмаклашмоқда. Икки мамлакат ўртасида олий даражада мунтазам сиёсий мулоқот олиб борилаётир.

Учрашувда парламентлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли яқин алоқалар ўрнатиш бўйича келишувга эришилди.

Ўз навбатида, томонлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги доирасида ташкил этилган ушбу ташриф дўстона муносабатлар ҳамда мамлакатларимиз қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга кучли туртки беришини таъкидлади.

Учрашувда ўзаро қизиқиш уйғотган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди.**

## Мардлар қўриқлайди Ватанни!



# ЭНГ ОЛИЙ БУРЧ

*Кейинги йилларда мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларимиз қудратини янада ошириш, ҳарбийларимизнинг жанговар шайлиги, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини кучайтириш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.*



Маълумки, 1992 йил 14 январь куни мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси ўзининг янги мудофаа тизимини яратиш, замонавий, ихчам армиясини барпо этишдек улкан вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Соҳага оид қонунчиликни мустаҳкамлашга катта эътибор берилди. Мудофаа доктринаси, “Мудофаа тўғрисида”ги, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши миллий армиямизнинг салоҳиятини, жанговарлик даражасини оширишга хизмат қиляпти.

Ўтган вақт мобайнида Қуролли Кучларимизнинг ташкилий-штат тузилиши принципиал жиҳатдан ўзгартирилди, тезкор-стратегик бошқарув, оператив тайёргарлик ва қўшинларни жанговар қўллашнинг ҳақиқий марказига айланган самарали бошқариш тизими яратилди, ҳарбий округлар тузилди, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашнинг замонавий талабларга жавоб берадиган тизими шакллантирилди, ҳарбий операциялар амалга ошириладиган энг муҳим йўналишларда ҳаракатчан, яхши таъминланган бўлинмалар, биринчи навбатда, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва одамларимизнинг тинч-осойишта ҳаётини бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз кучларнинг тажовузкор хатти-ҳаракатларига қатъий зарба беришга қодир бўлган махсус бўлинмалар ташкил этилди.

➡ 3

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИТА КЛАСТЕР ОРГАНИК ПАХТА ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТ ОЛДИ

*Кейинги пайтда жаҳон бозорида органик пахтадан тайёрланган тўқимачилик маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Шу боис дунёнинг энг йирик халқаро брендлари босқичма-босқич экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш тизимига ўтяпти. Хусусан, “Adidas”, “H&M”, “Nike” брендлари 2025 йилгача тўлиқ органик пахта толаси асосида маҳсулот етказиб беришни режалаштирган. Бироқ бугунги кунда дунёда етиштирилган пахтанинг атиги 8 фоизи органик ҳисобланади.*



### Эътироф

Жаҳонда органик пахтага ўсиб бораётган эҳтиёж Ўзбекистон учун қулай имконияткдир. Мамлакатимизда ушбу янги бозорга кириш ва уни ўз маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида амалий ишлар бошлаб юборилган. Яъни 2021 йилда биринчилардан бўлиб Бухородаги “BCT Cluster” ва Тошкент вилоятидаги “TCT Cluster” кластерларида органик пахта етиштириш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳа Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва “CONTROL UNION” халқаро сертификатлаш ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Айтиш жоизки, органик пахта етиштиришнинг масъулияти, ўзига хос талаблари бор. Чунки экишда кимёвий ишлов берилган уруғлик чигитдан, ғўза парвариши жараёнида кимёвий ва синтетик ўғитлардан фойдаланиш, ҳашарот ва касалликларга қарши курашда кимёвий усулларни қўллаш тақиқланади. Умуман, ҳамма жараён табиий бўлиши шарт. Ана шу талаблар асосида 2021 йилги мавсумда “BCT Cluster”да 105 гектар, “TCT Cluster”да 200 гектар майдонда органик пахта етиштирилди.

➡ 3

## МАҲАЛЛАНИНГ «ЎСИШ НУҚТА»ЛАРИ – ҲАРАКАТДА

*Фақат бизнинг юртимизгагина хос бўлган маҳалла институти тараққиёт режаларини амалга оширишнинг таянч устунига айлангани кейинги йилларда тизимда амалга оширилаётган натижадор ишлар мисолида ўзини намоён қилмоқда.*

### Дил сўзи

Дарҳақиқат, маҳалланинг имкониятлари беқиёс, унда туғилаётган ташаббуслар ижроси ҳудудлар салоҳиятини тобора кўпроқ рўёбга чиқармоқда. Буни, масалан, беш мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилаётган бизнинг маҳалламизда ҳам кўриш мумкин. Аҳолининг ҳунармандчилик ва деҳқончиликка иштиёқмандлигидан келиб чиқиб, оилавий бизнеснинг айни соҳаларини ривожлантириш ҳудуднинг асосий “ўсиш нуқта”лари сифатида белгилаб олинган.

Айни имкониятни ҳаракатга келтириш йўлида астойдил иш олиб боряпмиз. Бунда хонадонлар тасарруфидаги 27,3 гектар томорқа ерларини доимий даромад манбаига айлантиришга эришилаётганини таъкидлаб ўтиш ўринли. Айниқса, ўттизта хонадонда ташкил қилинган замонавий иссиқхона эгаларининг кафтдеккина ердан салмоқли фойда олишдан ташқари истеъмол бозорини йил давомида дармондорига бой неъматлар билан таъминлашга қўшаётган ҳиссаларидан кўпчилик ибрат олаётир.

Жорий йилда бундай иссиқхоналар ёнига яна 100 таси қўшилади. Хонадонида хорижда келтирилган маҳсулдор товуқларни парваришлаётган Садриддин ака Юнусовнинг тажрибаси асосида бу соҳа кооперацияга айлантирилмоқда. Тадбиркор бир йўла 1 минг 56 бош жўжа очирадиган инкубаторини тўла қувват билан ишлатиб, қўни-қўшниларга ҳам зотдор парранда етказиб беряпти.

Яқин вақт ичида юздан ортиқ аъзони бирлаштирадиган кооперацияда парранда гўштини қайта ишлаш ҳам йўлга қўйилади. Моҳир тикувчи аёлларимиз томонидан ишга туширилган иккита тикувчилик цехи эса элликка яқин хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга тортди. Беданачилик, маиший хизмат йўналишида бизнес юритаётганлар сафи ҳам кенгаймоқда.

➡ 2

### Мулоҳаза

*Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш энг муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойиҳасида ушбу масалалар ўз аксини топган.*

## ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Стратегия ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да мамлакатимизни ривожлантиришнинг 7 та устувор йўналиши доирасида қарийб 100 та мақсадларга эришиш назарда тутилмоқда.

Дастур доирасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси томонидан илгари сурилаётган ғоялар, яъни Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул овқат билан таъминлашнинг йўлга қўйилиши болажонларимизнинг чуқур билим олиши ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини назарда тутган бўлса, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн бабобаридан ўн икки бабобаригача ошириш масалалари эса фуқаролар пенсия таъминотидаги туб бурилишдир.

Энг қувонарлиси, аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даврнинг 6 йилга оширилиши ёки ногиронлиги болаликдан бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисобланиши янги Ўзбекистонда хотин-қизларга янгича қараш, янгича эътибор, десак, муболаға бўлмайди.

Шунингдек, юртимизда фарзандларимизни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусий нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг очилиши бу соҳада туб бурилиш ясади, яъни йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларга ижобий ечим топилди.

➡ 2

# МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗНИНГ ОЛИС ТАРИХИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ ТИЗИМ

←1

Тарихчи мутахассисларнинг қайд этишича, ислом ҳуқуқида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилиш билан шуғулланувчи алоҳида тузилманинг мансабдори “муҳтасиб” деб юритилган.

Табиийки, муқаддас ислом динининг кириб келиши билан юртимизда ҳам бундай назорат тизими жорий қилинган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида қонунлар — тўра-тузуклар ижроси юзасидан таъсирчан ва қатъий назорат ўрнатилганини эса ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Юртимиз ҳудудида мавжуд бўлган амирлик ва хонликларда, Туркистон мухториятида бугунги прокуратура органлари функциясини бажарган тузилмалар, масъул лавозимлардаги мансабдорлар фаолият олиб боргани ҳам маълум.

Албатта, мамлакатимиз ҳудудида исломдан олдинги даврларда ҳам қудратли давлатлар бўлганини инобатга олсак, жамиятлардаги қонун-қоидалар ижросини назорат қилувчи институтлар ҳам бўлган.

Фикримизча, булар тарихчиларимиз, ҳуқуқшунос олимларимиз учун алоҳида тадқиқот мавзуларидир.

Таъкидлаш керак, собиқ шўролар давридаги прокуратура органларининг фаолияти ҳам ўзига хосликларга эга. Бу даврда яккаҳоким партия мақсадларига, ҳукмрон мафкура ақидаларига бўйсундирилган тизимда муайян камчиликлар, адолатсизликлар, нохолислик бўлгани табиий ва бу ҳам тарихнинг аччиқ сабоғидир.

Ниҳоят, Ўзбекистон Президентининг 1992 йил 8 январдаги Фармони билан Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон прокуратурасига айлантирилди. Конституциямиз ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда мазкур орган фаолиятининг ҳуқуқий асослари баён қилинди.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида тарихий ишлар қилинди, мард ва олижаноб халқимизнинг букилмас иродаси ва улкан салоҳияти билан катта марралар забт этилди.

Айни пайтда эришилган ютуқлар қаторида йўл қўйилган айрим хато ва камчиликлар бугунги ҳаёт ҳамда эл-юртимизнинг эртанги тақдири тақозо қиладиган объектив зарурат — янги Ўзбекистонни барпо этиш вазифасини давлатимиз ва халқимизнинг олдига қўйди.



Бинобарин, нафақат халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги ҳам эътироф этаётганидек, Ўзбекистонни тамомила ўзгартирган тараққиётнинг янги босқичига Президентимиз томонидан бундан беш йил аввал асос солинди. Бу давр, аввало, инсон қадру қимматини жойига қўйиш, ҳуқуқларини рўёбга чиқариш сари узоқ кутилган қадамларнинг ташлангани билан ҳам аҳамиятлидир.

Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак, деган тамойил жамиятдаги устувор қоидалардан бири сифатида белгиланди. Давлат органларининг фаолиятида халқ билан мулоқот энг асосий мезон бўлиб қолди.

Нуфузли экспертлар ва кенг жамоатчиликнинг хулосасига кўра, Ўзбекистон янги даврдаги Ҳаракатлар стратегияси асосида узоқ йиллар мобайнида тўпланиб қолган қатор долзарб масалаларни ҳал этишга муваффақ бўлди. Хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида қисқа муддатда амалга оширилган ислоҳотлар нафақат тизим вакиллари, балки жамият учун ҳам оғриқли нуқталарга айланган муаммоларни ҳал қилиш имконини берди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш ўринлики, Президентимизнинг ташаббуси, эътибори туфайли прокуратура органларининг бутун қиёфаси ҳам кейинги йилларда тубдан ўзгарди.

Энг муҳим жиҳат шундаки, кўрилаётган чораларнинг самараси ўлароқ, прокуратура органлари халқ сари юз тутди, уни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашадиган, “Инсон қадри учун” деган тамойилни рўёбга чиқаришга камарбаста бўладиган ишончли тузилма сифатида янги даврга қадам қўйди.

**Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори.**

# ХОРИЖИЙ ДАВЛАТДАГИ ЭЛЧИЛАР НАМАНГАНГА КЕЛДИ

*Мамлакатимизнинг Эрон Ислом Республикаси, Кувайт, Покистон Ислом Республикаси, Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони Қироллиги ҳамда Япония давлатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчилари хизмат сафари билан Наманган вилоятида бўлди.*

Ташрифдан кўзланган мақсад вилоятнинг инвестиция ва экспорт салоҳиятини оширишга яқиндан кўмак беришдан иборат.

Элчилар вилоят ҳокимлигида инвестиция ва ташқи савдога масъул мутасаддилар билан учрашди. Мулоқот давомида дипломатлар фаолият олиб бораётган давлатлар иштирокида ҳозиргача амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, лойиҳалар ва шартномаларнинг бажарилишини жадаллаштириш учун зарур тадбирлар келишиб олинди.

Маълумот ўрнида, Наманган вилоятида 2021 йил мобайнида 465 та экспортёр корхона томонидан 52 та давлатга 67 турдаги саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди. Унинг умумий ҳажми 464 миллион долларга тенг бўлди.

2022 йилда эса вилоятда экспорт имкониятларини янада кенгайтириш, маҳаллий маҳсулотларни кенг тарғиб қилиш ҳамда доимий кўргазма ва тақдимотлар ўтказиб бориш учун “Наманган Экспомарказ” ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Элчилар Наманган вилоятининг шаҳар ва туманларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар қандай натижалар бераётгани билан ҳам яқиндан танишди.

**Оқилхон ДАДАБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# БОЛАЛАРНИНГ РЕИНТЕГРАЦИЯ МАСАЛАСИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ?

*Кеча мамлакатимиз парламенти юқори палатаси ҳамда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан ҳамкорликда “Болаларни республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш ва улар реинтеграциясининг долзарб масалалари” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

## Давра суҳбати

Тадбирда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига болаларни жойлаштиришнинг олдини олиш, уларнинг оилалар ва ҳамжамиятларга тегишли равишда реинтеграцияси борасидаги натижалар сарҳисоб қилинди.

Шу билан бирга, республика ўқув-тарбия муассасаларидан чиқарилган болаларнинг реинтеграцияси билан боғлиқ муаммолар кенг муҳокама қилинди. Бундай болалар жамият ҳаётига мослашиш жараёнида ижтимоий муаммоларга дуч келиши, масалан, улар ота-оналар, оила аъзолари, мактаб ва ҳамжамиятлар томонидан қабул қилинмаслиги мумкин. Шу сабабли ёпиқ муассасалардан қайтган болалар учун реинтеграция хизматлари, хусусан, оилаларни қўллаб-қувватлаш хизматларини яхшилаш ўта муҳим саналади.

Шунингдек, давра суҳбати қатнашчилари томонидан озодликдан маҳрум қилиш фақат энг сўнгги чора сифатида имкон қадар қисқа вақт давомида қўлланилиши ва халқаро стандартларга мувофиқ, истисно ҳолатлар билангина чекланиши лозимлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Қайд этилганидек, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидаги болалар аҳволи ўрганилганда, уларнинг аксарияти қийин ҳаётий шароитдаги оилалардан эканлиги маълум бўлди. Бундай оилаларнинг асосий муаммолари моддий қийинчилик, спиртли ичимлик ва психоактив моддаларни истеъмол қилиш, доимий иш билан таъминланмаганлик, оилада носоғлом муҳит мавжудлиги билан боғлиқ.

Шу боис йиғилишда таъкидланганидек, агар қийин аҳволдаги оилаларни эрта аниқлашга жиддий эътибор қаратилса, улар билан профилактика ишлари олиб борилса, маҳалла ва мактабларда ишлар янада кучайтирилса, болалар ҳимояси ва фаровонлиги анча ошади. Бу, ўз навбатида, қиз ва ўғил болаларни оиласидан заруратсиз ҳолда ажратиш ва уларни ихтисослашган муассасаларга жойлаштириш ҳолатлари камайишига олиб келади. Қолаверса, болаларнинг манфаатларини кўзлаган самарали реинтеграция ҳамжамият даражасидаги профилактика ва қўллаб-қувватлаш хизматларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этишни талаб қилади. Қонун билан зиддиятдаги болаларни оиласидан ажратиш ва интернат муассасаларига жойлаштиришнинг олдини олиш учун эрта аниқлаш, йўналтириш ва комплекс ижтимоий хизматларни тақдим этиш ана шулар жумласидандир. Болалар, ота-оналар, оилалар ва ҳамжамиятларни реинтеграцияга тайёрлашда уларга ҳамроҳ бўладиган етук кадрлар талаб этилади.

Тадбирда норматив-ҳуқуқий база ва тармоқлараро ҳамкорликни такомиллаштириш, тегишли мутахассислар салоҳиятини ошириб, ҳамжамият даражасида оилани қўллаб-қувватлаш хизматларини кучайтириш, зарарли гендер нормаларини бартараф этиш бўйича ишларни изчил давом эттириш, ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ хатарларнинг олдини олиш бўйича мониторинг ва самарадорликни баҳолаш ишларини ҳужжатлаштириш ва бошқа тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

*Янги Ўзбекистонда таълим тизимига катта эътибор қаратилмоқда. Тизимдаги ўзгаришлар кўламини инобатга олиб, “Янги Ўзбекистонимизнинг ташриф қоғози — бу таълим”, дея таъкидлаш мумкин.*

## Фикр

Жамоатчилик муҳокамасига қўйилган Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳасида ҳам ушбу масала устувор йўналиш сифатида ўз аксини топган.

Хусусан, Мактабларни ривожлантириш Миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш мақсадида янги мактаблар қуриш билан бир қаторда нодавлат секторни ривожлантиришга ҳам катта аҳамият қаратилган. Нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи ташкилотларга шароит ва имкониятларни кенгайтириш орқали уларнинг таълим тизимидаги улушини жорий йилда 3 фоизга, 2026 йилда эса 8 фоизга етказиш режалаштирилган. Бу эса, ўз навбатида, давлат умумтаълим мактаблари билан хусусий мактаблар ўртасида рақобатни ривожлантириш орқали таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатишга шароит яратади.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, таълим сифатини ошириш, рақобатбардош миллий кадрларни тарбиялаш, инсон капиталини ривожлантириш борасида юртимизда тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Сўнгги йилларда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиб амалда жорий этиш, Миллий ўқув дастурига асосан 2026 йилга қадар 699 номдаги, жумладан, 2022 йилда 296 номдаги янги дарсликлар, машқ дафтарлари, ўқитувчи методика китоблари ҳамда мобиль иловаларни яратиш, Миллий ўқув дастури бўйича янги методикаларга ўқитувчиларни ўқитиш мақсадида Электрон малака ошириш платформаси учун 2026 йилга қадар жами 769 та видеодарс яратилиши, айниқса, дарслик ва ўқув-методик мажмуаларни тажриба-синовдан ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида экспертизадан ўтказиш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари кўриляпти.

Таълим сифатини таъминлашнинг асосий субъекти бу, албатта, ўқитувчи ва мураббийлардир. Ўқитувчиларнинг ойлик маошини босқичма-босқич 1 минг АҚШ доллари эквивалентига етказиш, иқтидорлиларининг иш ҳақларини малака тоифасига қараб табақалаштирилган ҳолда ошириб бориш, малака тоифаларини бериш тартибини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда малакани баҳолаш методикаси асосида адолатли ва шаффоф тизимни жорий этиш, албатта, муаллимларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқишга хизмат қилади.

Адолатли, рақамлаштирилган ҳолда инсон омилисиз ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш тизими фидойи ўқитувчиларга мотивация берса, ёш педагогларнинг эса ўз устида янада кўпроқ ишлашига туртки беради.

**Шоҳиста ТУРҒУНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

←1

Лойиҳада нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг 3 миллион сўмгача бўлган тўловлари даромад солиғидан озод этилиши белгиланган. Бу кўплаб оилалар ҳаётига эпкин, қувонч олиб кириши, шубҳасиз.

Ўтган йиллардаги пандемия ҳолати соғлиқни сақлаш соҳасидаги айрим камчиликлар ва муаммоларни юзага чиқарди, фуқароларнинг кўплаб эътирозларига сабаб бўлди. Шундан келиб чиқиб, ҳудудларда бирламчи тиббий-санитария хизматини “бир қадам” тамойили асосида йўлга қўйиб, 105 та оилавий шифокор пункти ва 31 та оилавий поликлиникаларнинг ташкил этилиши аҳолига янада қулайлик яратади.

Лойиҳада жорий йилда ўқитувчилар ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақларининг оширилиши назарда тутилаётгани юртимизда энг қадрли касбларнинг янада улуғланиши ва соҳа вакилларининг йилдан-йилга қадр топаётганидан далолат беради.

Яна бир муҳим жиҳат, лойиҳада жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тизими жорий қилиниши ҳам кўзда тутилган. Ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган ва ўзининг аниқ лойиҳасини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилиши белгиланган.

**Дилбар МАМАЖОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# МАҲАЛЛАНИНГ «ЎСИШ НУҚТА»ЛАРИ – ҲАРАКАТДА

←1

Маҳаллада иш бошлаганимга кўп бўлмаган эса-да, давлатимиз раҳбарининг биз, ҳоким ёрдамчиларидан умиди катталиги, зиммамиздаги масъулият ҳам шунга яраша эканлигини юрак-юракдан ҳис қиламан. Семинар ва ўқувларда таъкидланганидек, ишни хонадонма-хонадон юриб, аҳолининг яшаш шароити, бандлиги ва даромад манбаи, бошқа муаммоларини батафсил ўрганишдан бошладим.

Ўзаро мулоқотларда ҳудудни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш сингари масалаларда одамларнинг таклиф-мулоҳазаларига қулоқ тутяпман. Ҳақиқий аҳвол билан тўла танишиб чиққандан сўнг қайси йўналишга кўпроқ инвестиция жалб этиш, кимнинг тажрибасини оммалаштириш, ижтимоий соҳани янада қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича “Йўл харитаси”ни белгилаб оламиз.

Мамлакатимизда 2022 йилнинг “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилиниши, айтиш мумкинки, барча режаларимизга қанот бағишлади. Зеро, маҳаллада рўёбга чиқарилаётган барча эзгу ишлар ҳамюртларимиз қадр-қимматини юксалтиришдек олижаноб мақсадга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

**Камолиддин НАЖМИДДИНОВ,**
**Уйчи туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳалланинг ҳоким ёрдамчиси.**

# КИЧИК БИЗНЕСНИНГ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ КАТТА УЛУШИ

*Ҳар қандай давлат иқтисодиётининг равнақи айни шу мамлакатда тадбиркорлик қай даражада ривожланаётганидан далолат беради. Чунки иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушининг кўпайиб боришига, яратилган ишбилармонлик муҳитига кўп жиҳатдан боғлиқ.*

## Нуқтаи назар

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 55,7 фоизни ташкил этмоқда. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бу яхши кўрсаткичми ёки ёмон?



Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) иқтисодиёт тармоқларида янгиликларни бошқаришда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг барча иқтисодий тизимларда муҳим динамик элементни ташкил этишини тан олди. Қолаверса, у барқарор иқтисодий ўсиш, бандликни яратиш ва айниқса, ривожланаётган мамлакатларда камбағалликни камайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Халқаро валюта жамғармаси маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 90 фоиз корхоналар кичик ва ўрта бизнесга тегишли бўлиб, улар жаҳоннинг 63 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда. Европа Иттифоқи миқёсида кичик ва ўрта бизнеснинг умумий салмоғи 99,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, аҳолининг учдан икки қисмини иш билан таъминламоқда.

Айни пайтда дунё мамлакатларида кичик бизнеснинг аксарият қисми оилавий корхона шаклида иш юритади. Европа давлатлари ялпи миллий маҳсулотининг 40-50 фоизини, Осиё мамлакатларида 65 фоиздан 82 фоизгачасини, Лотин Америкасида 70 фоизга яқинини оилавий бизнес ишлаб чиқаради. АҚШ иқтисодиётида унинг улуши 95 фоиздан зиёд миқдорни ташкил этади. Булардан аён бўладики, мамлакат ривожи ва аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнеснинг улуши жуда катта.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишда муайян чоралар кўрилмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг 20 августида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот ўтказганлиги соҳага қаратилаётган эътибор нечоғли юқори эканлигини англатади. Очиқ мулоқотда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратиш механизмини соддалаштириш, аҳолининг бандлигини ошириш, даромад манбаини кенгайтириш ва меҳнат фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йил 20 декабрда “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда лойиҳаларни молиялаштириш учун мақсадли жамғармалар ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ресурслари тижорат банкларига йиллик 10 фоиз ставкада жойлаштирилиши, имтиёзли кредитлар йиллик 14 фоиз ставкада берилиши, кредитлар маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчисининг ўзига бириктирилган маҳаллада истиқомат қилаётган қарз олувчига берадиган тавсияси асосида ажратилиши, чорвачиликни ривожлантириш йўналишида кредитлар устувор равишда камида 10 дан 50 бошгача четдан келтирилган наслли чорва молларини (қорамол, қўй, эчки) боқиш учун кичик фермаларни ташкил этишга берилиши каби муҳим вазифалар белгиланди.



Шунингдек, учта тижорат банкига 2022 йил 1 мартдан дастурлар бўйича кредитларнинг тўлиқ рақамлашган ҳолда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали ажратилишини таъминлаш юклатилди. Бу ҳам маблағлар ажратилишида шаффофликни ошириб, инсон омили камайишига олиб келади.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, мамлакатимизда тадбиркорликка қаратилаётган эътибор фақат шу соҳани ривожлантирибгина қолмай, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам мультипликатив таъсир кўрсатади.

Масалан, молия, суғурталаш хизматларига талабнинг 1 миллион сўмга ўсиши иқтисодиётда қўшимча 3,2 миллион сўм қиймат яратади. Шунингдек, кичик тадбиркорларга ажратиладиган кредитларнинг бир фоизга ортиши, бир йилдан кейин бу соҳадаги кредитлар бўйича талабни 0,65 фоизга кўпайтиради.

Демак, тадбиркорлик субъектларига берилаётган имкониятлар бошқа тармоқлар ҳам кенгайишига, пировардида ишсизлар, камбағаллар камайишига, одамлар турмуш тарзи янада яхшиланишига туртки беради.

**Мақсуд РУСТАМОВ,**
**Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси.**

# ЭНГ ОЛИЙ БУРЧ



1 Айниқса, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида Қуролли Кучлар қурилиши борасидаги режаларга мувофиқ, қўшинларни модернизация қилиш ва энг янги қурол-яроғ ҳамда техника, жумладан, ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари ва вертолётлар, бронетанк қуроллари, артиллерия тизимлари, алоқа воситалари, алоҳида ва гуруҳ бўлиб ҳимояланиш воситалари билан қайта қуроллантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилди.

Таъкидлаш жоиз, Қуролли Кучларимизни шакллантириш жараёнида энг жиддий муаммолардан бири — бу кадрлар масаласи эди. Мазкур муаммони ҳал қилиш мақсадида ҳарбий таълим соҳасини тубдан ислоҳ этишга киришилди. Бир қатор янги олий ҳарбий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилиб, уларда ҳарбий хизматга салоҳияти етарли, аҳди қатъий, шижоатли, мард ва жасур Ватан ҳимоячиларини тайёрлашга киришилди.

Қуролли Кучлар академияси, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик, Олий ҳарбий авиация билим юртлари, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти, Ҳарбий тиббиёт академиясида 32 йўналиш ҳамда мутахассисликлар бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда. Натижада мудофаа ва хавфсизлик тузилмалари сафини миллий кадрлар билан тўлдириш имконияти яратилди.

Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақириш бир йилда бир марта ташкил этилиб, уни ўташ муддати бир йил қилиб белгиланганлиги, сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик резерви хизмати жорий этилгани миллий армиямиз қиёфасини ва мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди. Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш борасида кўрилган бу каби чора-тадбирлар Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан тўлдиришни сифат жиҳатидан яхшилаш имконини берди, уларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланиш даражаси ошди, қолаверса, кенг жамоатчилик ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори тубдан юксалди.

Миллий армиямизда ўз бурчини ўтаб қайтган фуқароларнинг кейинги фаолияти ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида. Олий ўқув юртларига ўқишга киришда уларга алоҳида имтиёзлар белгилангани, ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилаётгани ана шулар жумласидандир.

Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида бугунги кун талабидан келиб чиқиб ҳарбий-маъмурий округлар тузилди. Ҳарбий хизматчилар учун замонавий тураржойлар қуриш, мавжудларини таъмирлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2016 — 2025 йилга мўлжалланган Давлат дастурига кўра ҳар йили 900 дан зиёд ҳарбий хизматчи тураржой билан таъминланмоқда. Бугунги кунда Мудофаа вазирлиги тасарруфида замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган, малакали тиббий ходимлар фаолият олиб бораётган йигирмадан ортиқ даволаш-профилактика муассасалари, тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг бирламчи бўғини бўлган кўп сонли тиббиёт пунктлари, шу билан бирга, ҳарбий санаторийлар ва бошқа махсус ҳарбий-тиббиёт муассасалари ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида фаолият олиб бормоқда.



Шуни таъкидлаш жоизки, мудофаа соҳасининг такомиллаштирилиши, ушбу соҳага берилган эътибор натижасида бугунги Ўзбекистон ёшлари Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишни нафақат фуқаролик бурчи, айни чоғда, энг юксак мақомдаги мутахассислик сифатида қабул қилмоқда. Кейинги пайтларда Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга чақириш танлов асосида ўтказилаётганлиги бунинг яққол исбот-далилидир. Армия сафларига хизматга келган ёшларимиз бу ерда фақат ҳарбий мутахассисликни эгаллаш билан чекланаётгани йўқ. Ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниқиб қатъий иродага ва ҳаётий позицияга ҳам эга бўлмоқда.

Соҳадаги туб ислоҳотлар натижасида армиямизнинг халқимиз билан бирлиги таъминланиб, замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир миллий армиямиз шаклланди. Соҳадаги улкан ўзгаришларнинг ижобий натижаси сифатида Ўзбекистон ҳарбийларининг “Халқаро армия ўйинлари”, “Кембрия патрули” (Англия), “Энг яхши жангчи” (АҚШ) халқаро ҳарбий мусобақа ва танловларда ғолиб бўлганликларини эътироф этиш жоиз. Умуман, Қуролли Кучлар соҳасидаги изчил ислоҳотлар Ўзбекистон армиясининг жанговар қудрати қарийб 2 баробар ошишига замин яратди.

Бугун халқимиз Ватанга садоқатли, профессионал тайёргарликка эга бўлган, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган ўз миллий армияси билан фахрланади.

**Тўлқин КАРИМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Имконият

# ХАЛҚНИНГ МАСЛАКДОШИ ВА КЎМАКДОШИ

*Маҳалла азал-азалдан юртимизда якдиллик тимсоли бўлиб келган. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, маҳалла институтининг жойларда халқнинг маслакдоши ва кўмакдошига, таъбир жоиз бўлса, “Адолат тарозиси”га айланиши, ҳеч шубҳасиз, одамларнинг давлатга бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.*

Шу боис мазкур институтнинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, ушбу ноёб тузилманинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш дастурлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Айни жараёнда Навоий вилоятида ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз фаолиятини самарали олиб бориши учун барча қулайликка эга бинолар бунёд этилмоқда.

Яқинда вилоят марказидаги Ҳаёт маҳалласида фуқаролар йиғинининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

— Маҳалла фаоллари самарали фаолият олиб бориши, ҳудудда тинчлик-осойишталик ҳамда соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, фуқароларнинг оғирини енгил қилиш, қувонч ва ташвишларини баҳам кўриш учун шарт-шароитлар яратилди, — дейди МФЙ раиси Мирсайид Мавлонов. — Бундай имкониятга яраша иш самарадорлигини оширмоғимиз ҳаётий заруратдир. Зеро, маҳалладаги осойишталик ва ободлик, оилалардаги хотиржамлик ҳар бир инсоннинг бугунги кундан розилик ҳисси билан яшаётганини далиллайди. Шунингдек, ободонлаштириш-кўкаламзорлаштиришда умумхалқ ҳашарларини ташкил этиш, тўй ва бошқа маросимларни тартибга солиш, аҳоли ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишлари ҳам эндиликда маҳалла фаоллари ва аҳолидан якдилликни талаб этади.

Айни чоғда маҳалла тадбиркорлик ривожи масаласида масъулиятли илк бўғинга айланмоқда. Боиси тадбиркорлик ривожланса, маҳаллада иш ўрни, оилаларда даромад манбаи яратилади. Қолаверса, муҳит барқарорлашади, жиноятчиликка барҳам берилади. Бу ишларни амалга ошириш учун маҳаллада шаҳар ҳокимининг тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ёрдамчиси фаолияти учун кенг имкониятлар мавжуд.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИТА КЛАСТЕР ОРГАНИК ПАХТА ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТ ОЛДИ

1 Ўртача ҳосилдорлик Бухорода 35 центнерни, пойтахт вилоятида 31,2 центнерни ташкил этди.

— Мавсумни мунтазам кузатиб борган “CONTROL UNION” халқаро сертификатлаш ташкилоти Ўзбекистонда биринчи бўлиб “BCT Cluster” ва “TCT Cluster” кластерларига органик пахта етиштириш бўйича халқаро сертификат берди, — дейди Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раиси, сенатор Муртазо Раҳматов. — Мазкур сертификат кластерлар учун халқаро бозорларда устунлик яратиб, толани 50 фоизгача қимматроқ сотиш ва кимёвий моддаларга кетадиган харажатларни тежаш имконини беради. Аммо органик пахта толасини сотиш ниятимиз йўқ. Масалан, сертификатни қўлга киритган кластерларда етиштирилган органик пахта толаси айни пайтда “BCT Cluster”нинг замонавий тўқимачилик комбинатида чуқур қайта ишланиб, жинси либослари ишлаб чиқариш жараёни бошланди. Ушбу экологик тоза маҳсулотларга ҳозирданоқ Европа давлатларидан буюртмалар тушаётгани қувонарлидир.

Ташқи бозор талабидан келиб чиқиб, келгуси 2022 йилда органик пахта майдонларимиз кенгайтирилиб, “BCT Cluster”да 500 гектар, “TCT Cluster”да 1000 гектарда экологик тоза хом ашё етиштириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси тизимидаги кластер томонидан органик пахта етиштириш ҳажми йил сайин ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Хусусан, 2021 йилда “Textile Technologies Group” таъсисчилигидаги кластер томонидан Чиноз туманида 194 гектар, “Art Soft Holding” МЧЖ томонидан Мингбулоқ туманида 18 гектар, “Parvoz Humo Ravnaq Trans” кластери томонидан Олот туманида 930 гектар майдонда органик пахта етиштирилди.

Бу эса Ўзбекистонда экологик тоза маҳсулот етиштириш ва ишлаб чиқариш борасида жадал ишлар олиб борилаётгани самарасидир.

**«Халқ сўзи».**

# «УЧИНЧИ МУАЛЛИМ»

*Суҳбатларнинг бирида таниқли файласуф Омонулла Файзуллаев “Агар муаллими аввал — биринчи муаллим Аристотель, муаллими ас-соний — иккинчи муаллим Форобий бўлса, академик Музаффар Хайруллаев муаллими ас-солис — учинчи муаллимдир”, дея атоқли олим илмий-ижодий меросига юксак баҳо берганди. Бу академик Хайруллаевнинг Абу Наср Форобий илмий меросини қайта тиклашга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда жаҳон форобийшунослиги борасида дунё файласуфлари орасида катта обрў қозонганлигига бир ишора эди.*



## Илм-фан фидойилари

Омонулла Файзуллаев илм-фан фидойиси ҳақида шундай ёзган: “Музаффар Муҳиддинович Хайруллаев фанимиз ва маданиятимиз соҳасида кўзга ялт этиб кўринган иқтидорли шахс. Унинг номисиз XX асрнинг иккинчи ярмида фалсафамиз ривожини тасаввур қилиб бўлмайди. Ахир 40 йилдан ортиқ иккита олий даргоҳ — И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтлари раҳбари, шунингдек, Марказқўмда бўлим бошлиғи бўлиб ишлашга ҳамма ҳам муяссар бўла олмайди, ҳамманинг қўлидан ҳам келмайди.

Абу Наср Форобийни қайтадан кашф этган файласуф ҳам шу зотдир. Дунёнинг ярмида бўлиб ўтган илмий конгрессларда Ўзбекистон фалсафаси ютуқларини тарғиб қилган вакилимиз ҳам шу киши!”

Кенг жамоатчилик академик Музаффар Хайруллаевни истеъдодли олим, жамоат ва давлат арбоби, тоза қалбли, самимий инсон сифатида эслайди. Дарҳақиқат, бу киши Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, хусусан, фалсафа фани тараққиётига катта ҳисса қўшган забардаст олимлардан бири эди. У академик Иброҳим Мўминов раҳбарлигида Абу Наср Форобийнинг улкан илмий меросини таҳлил этиб, аллома яшаган даврнинг Марказий Осиё фани ва маданияти тарихида ўзига хос уйғониш даври бўлганлигини дадил исботлаб бера олган эди.

Бу давр, бир томондан, Марказий Осиёда шаклланган ислом маданияти таъсирида илм-фан тараққиётига эътиборнинг кучайган пайти бўлса, иккинчидан, юртимизда буюк мутафаккирлар меросининг қадимги халқлар, жумладан, юнон фалсафаси анъаналари билан чатишиб кетганлиги ҳамда мазкур меросни арабчага таржима қила оладиган юқори малакали олимларнинг етишиб чиққанлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Абу Наср Форобийнинг ўзи ҳам жуда кўп қадимий тилларни яхши эгаллаган, хотираси ниҳоятда кучли шахс бўлган. М. Хайруллаевнинг таъкидлашича, “араб маданияти, араб фани, араб фалсафаси номи остида дунёга танилган мутафаккирларнинг аксарияти Марказий Осиёдан — бизнинг юртимиздан чиққан олимлар эди. Уларнинг алоҳида бир хусусияти — хотирасининг кучлилигида эди”.

Бу ҳодисанинг сабабини биз Абу Райҳон Берунийнинг “Осори ал боқия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарида ҳам учратамиз. Марказий Осиёга бостириб келган босқинчилар ҳар сафар аждодларининг билимларини эгаллаган олимларни қиличдан ўтказишган, ёзма манбаларини эса гулханга ташлашган. Натижада қимматли фикрлар баён қилинган асарлар йўқолиб кетмаслиги учун одамлар уларни хотирада сақлашга мажбур бўлишади. Шу тариқа Марказий Осиёда ёд олиш санъати вужудга келган. Бутун бошли йирик эпик асарларни ёддан айтадиган бахшилар ҳам пайдо бўлган. Қимматли фикрларни шеърга солиб ҳикоя қилиш расмга айланган. Шу сабабли хотираси кучли кишилар пайдо бўлади. Кучли хотира кўп тилларни осон эгаллашга имкон беради. Шу боис қадимги аждодларимиз камида уч-тўрт тилда эркин гаплаша олган. Бу илм-фан тараққиётида, айниқса, таржима соҳасида жуда қўл келган.

Ота-боболаримиз қадимги суриён, яҳудий, юнон, санскрит ва бошқа унутилиб кетаётган тиллардан ҳам қимматли асарларни ўз тилларига таржима қилишган. Айниқса, бу одат Марказий Осиёга ислом дини кириб келиб, Қуръони каримни ёд олиш эҳтиёжи вужудга келган даврларда ҳамда шу дин орқали илм-маърифатни эгаллашга кенг йўл очилгандан сўнг ниҳоятда оммалашди.

Бу даврда кўплаб асарлар, жумладан, қадимги юнон файласуфлари Суқрот, Афлотун, Арасту, Архимед, Евклид, Гиппарх, Гиппократ, Птоломей ва бошқаларнинг асарлари ҳам араб тилига таржима қилина бошланди. Бу, бир томондан, ислом динига эътиқод қилувчи мамлакатларда илм-фаннинг ривожланишига, иккинчи томондан, кейинчалик Европа мамлакатларида ҳам антик давр фан ва маданиятининг қайта жонланишига, Европа уйғониш даврига замин бўлди.

Музаффар Хайруллаев бу даврни “Шарқ уйғониш даври” деб атади. Тоталитар коммунистик мафкура оқни қора деб, Ўрта Осиё халқларини “маданияти паст, қолоқ, турмуш тарзи ибтидоий даражадаги феодал муносабатлар таъсирида қотиб қолган халқлар” тарзидаги ғайри илмий баҳолашни зўр бериб тарғиб этаётган бир даврда бундай атамани ишлатиш ҳақиқатдан ҳам катта илмий жасорат эди. Олимнинг бу жасорати ўша даврда кенг эътироф этилди. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йиллари бошида Тошкентда бўлиб ўтган “Ҳозирги замон фанларининг фалсафий муаммолари” мавзуидаги илмий-назарий конференцияда Москвада нашр этиладиган “Философские науки” журналининг бош муҳаррири В. Готт сўз олиб, “Музаффар Хайруллаевнинг фалсафа тарихига, фалсафий фанлар тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақиқатдан ҳам таҳсинга лойиқ. У фалсафа тарихида форобийшунослик йўналишини тараққий эттириб, фанда бутун бошли илмий мактаб яратишга эришди”, деган эди.

М. Хайруллаев (1951 — 1954) аспирантурада мантиқ илми бўйича тадқиқот олиб борган ва шу фаннинг равнақ топиши йўлида буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий катта ишларни амалга оширганини чуқур англаб етган. Дарҳақиқат, Абу Наср Форобий Аристотелдан кейин мантиқ илмини юқори чўққига кўтара олган энг йирик мутафаккирдир. Айниқса, унинг силлогизмлар назариясига қўшган ҳиссаси мантиқ фани тарихида алоҳида аҳамиятга эга. М. Хайруллаев Форобийнинг улкан илмий меросини битта илмий-тадқиқот институти доирасида амалга ошириш мумкин эмаслигини тушуниб етиб, ҳамкорликка Фалсафа ва ҳуқуқ институтидан ташқари Беруний номидаги Шарқшунослик институти, москвалик ва олмаоталик олимларни ҳам даъват этади.

Аллома асарлари қўлёзмаларини ўрганиш учун бутун бошли таржимонлар гуруҳини шакллантиради. Улар Форобийнинг араб тилида ёзилган қўлёзмаларини пешма-пеш таржима қилиб, уларга шарҳлар ҳам ёзишади.

Шу тариқа, Форобий замондошлари ва мутафаккир ҳақида изланишлар олиб борган кейинги давр олимларининг ҳам илмий мероси тадқиқ этила бошланди. Ўзбекистонда Ўрта асрлар фалсафа тарихини тадқиқ этувчи илмий-ижодий мактаб шаклланди.

Биз Музаффар Хайруллаевни ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратган жонкуяр устоз ва мураббий, масъулиятли раҳбар сифатида ҳам яхши биламиз. У 1970 йилнинг бошларида Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) фалсафа бўлими талабаларига “Ўрта ва Яқин Шарқ фалсафаси тарихи” бўйича махсус курсдан сабоқ берган. Камина ҳам шу курсни тинглаш шарафига муяссар бўлганман. Устознинг жуссаси кичик бўлса-да, ҳаракатлари чаққон, кўзлари ёниб турар, гаплари вазмин ва фикрларида мантиқ кучли эди. Мураккаб масалаларни ҳам содда ва тушунарли қилиб ифода эта олар, маърузаларини ўта маҳорат билан ўқирди. Аудиториянинг ҳолатини синчковлик билан кузатиб турар, агар тингловчиларнинг толиққанини сезса, маърузани жойида тўхтатиб, “Энди бир ривоят эшитинглар”, деб мавзуга алоқадор бирор шарқона ривоятни ҳикоя қилар эди. Бу усул билан тингловчиларнинг чарчоғини оларди.

Устоз илм йўлида ҳеч кимдан қимматли маслаҳатини аямасди. Унинг учун лаборант ҳам, кичик илмий ходим ҳам, академик ҳам бирдек эди. Шу сабабли каттаю кичик илм аҳли ҳеч тортинмасдан домла қабулига кириб келаверарди. Устоз ҳақиқий фан фидойиларини ҳурмат қилар ва уларга илм билан шуғулланиш учун зарур шароит яратиб берарди. Бу ҳақда шогирдларидан бири шундай деган эди: “Музаффар Муҳиддиновичнинг раҳбарлигида ишлаш роҳат. Илмда муваффақиятга эришсанг, мақтовига сазовор бўласан, ишлашга барча шароитларни яратиб қўяди, камчиликка йўл қўйсанг, сени койиш ўрнига, уларни ўзи тузатиб қўя қолади. Сен эса йўл қўйган хатоларингга ўзинг хижолат чекиб, бундай камчиликка қайта йўл қўймайдиган бўласан. Устоз ана шундай бағрикенг инсондир”.



*Академик Музаффар Хайруллаев сафдошлари билан.*

**(Муаллиф архивидан).**

Музаффар Хайруллаев Марказий Осиёда яшаб ўтган мутафаккирларнинг келиб чиқиши ҳақида гап борганда, “улар Марказий осиёлик Шарқ мутафаккирларидир”, деган нуқтаи назарни қатъий туриб ҳимоя қилар эди. Бу фикрни Иброҳим Мўминов ҳам, Омонулла Файзуллаев ҳам ёқлаган. Лекин ўтган асрнинг 70 — 80-йилларида рўй бераётган миллий уйғониш жараёни таъсирида ҳар бир республика зиёлилари “бу — бизнинг бобокалонимиз, бунинг эса сеники” қабилидаги айирмачилик сиёсатини авж олдиришган, бунинг оқибатида ҳаммамиз учун бирдай қадрдон бобокалонларимизни бўлишиб олиш бошланганди. Аммо, шунга қарамасдан, атоқли олим “Марказий Осиёда яшаган халқларнинг этник келиб чиқиши бирдир. Ўтмишда ўтган ҳар бир мутафаккир ўзбекка ҳам, тожикка ҳам, қозоққа ҳам, қирғизга ҳам, туркманга ҳам, қорақалпоққа ҳам бирдай азиз ва улар ҳар биримизнинг бобокалонимиздир. Биз “бўлиб ташла ва уларнинг устидан ҳукмронлик қил”, деган сиёсатга қарши бирлашиш, ҳамжиҳатлик йўлидан боришимиз керак. Шунда бизнинг устимизда ҳукм юритишга журъат қила олишмайди”, деган қатъий фикрда турарди.

Устознинг бу фикрлари бугунги мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимиз олимлари учун ҳам долзарб аҳамиятга эга ёндашувдир.

Музаффар Хайруллаев Марказий Осиё мутафаккирлари меросини тадқиқ этиш асносида минтақамизда бундан минг йиллар илгари ҳам тараққий этган яхлит, монолит маданий қатлам бўлганлиги ва биз, Марказий Осиё халқлари ана шу юксак маданий мероснинг қонуний ворислари эканлигимизни кенг илмий жамоатчилик олдида атрофлича асослаб берган олимлардан бири сифатида бугунги ёшлар учун ибрат бўлишга муносибдир.

Академикнинг илмий меҳнатлари мустақиллик йилларида муносиб баҳоланиб, Беруний номидаги давлат мукофоти ҳамда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирлангани ҳам фикримизга далил бўлади.

Алломанинг салоҳиятли шогирдларидан Асомиддин Ўринбоев, Убайдулла Уватов сингари олимлар миллий маънавиятимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшишган, таниқли манбашунос олимлардан Ашраф Аҳмедов, Абдумажид Мадраимов, академик Дилором Юсупова, Маҳмуд Ҳасанов, Сурайё Каримова, Баҳром Абдуҳалимов, Маҳбуба Абдуллаева, Ройиқ Баҳодиров, Шовосил Зиёдов, Муҳаммаджон Қодиров, Маҳмуджон Нуриддинов, Абдуқодир Зоҳидов ва бошқалар устоз бошлаб берган маънавий меросимизни ривожлантиришдек шарафли йўлда, Ватанимиз тараққиётига хизмат қилиб келмоқда.

Агар академик Музаффар Хайруллаев ҳаёт бўлганида бугунги кунларда 90 ёшга кириб, юртимизда қад кўтараётган Янги Ўзбекистоннинг маънавий тараққиётига ҳамда бўлажак учинчи Ренессанснинг рўёбга чиқишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган бўлар эди.

**Бахтиёр ТЎРАЕВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Бош маслаҳатчиси, фалсафа фанлари доктори, профессор.**

**Ислоҳот**

*Бундан буён маҳаллий бюджет маблағлари қай мақсад учун йўналтирилишида ҳар бир солиқ тўловчи иштирок этиши мумкин. Бу борада “Очиқ бюджет”, “Ташаббусли бюджет” тамойиллари ҳаётга татбиқ этилиб, ушбу жараёнда адолат ва шаффофлик сари жиддий қадам қўйилди.*

# БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИДА ФУҚАРОЛАР ИШТИРОКИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Мухбиримиз айни соҳада олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар хусусида Фарғона вилояти молия бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ғанижон Солиевнинг фикрлари билан қизиқди.

— Президентимизнинг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, туман (шаҳар) тасдиқланган бюджетининг 5 фоизига тенг миқдордаги маблағ жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади, — дейди Ғ. Солиев. — Бу маблағ маҳаллий ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклида очиладиган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якуни бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг расмий веб-сайтлари ҳамда “Очиқ бюджет” порталига жойлаштирилиши керак.

Фарғона вилоятида 2021 йили илк бор жамоатчилик фикри асосида шаккланган тадбирларни молиялаштириш мақсадида “Ташаббусли бюджет” жараёни ўтказилди. Шу тариқа “Фуқаролар ташаббуси жамғарма”ларида 37 миллиард 735 миллион сўм маблағ шакллантирилди.

Биринчи босқичда 2021 йилнинг 1 — 31 июль кунлари таклиф бериш истагидаги ҳамюртларимизнинг ўзлари яшаётган ҳудуддаги муаммоларни бартараф этиш бўйича 3 минг 501 та таклифи “Очиқ бюджет” ахборот порталига электрон шаклда жойлаштирилди.

Иккинчи босқичда эса 2021 йилнинг 1 — 12 август кунлари давомида туман (шаҳар)ларда жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш Ишчи комиссияси томонидан 3 минг 501 та таклифдан 1 минг 844 тасига овоз бериш жараёни ўтказилди.

Учинчи босқич доирасида 2021 йил 13 август — 2 сентябрь кунлари энг кўп овоз тўплаган 145 та таклиф “Очиқ бюджет” ахборот портали томонидан инсон омилисиз, тўғридан-тўғри ғолиб деб топилди.

“Ташаббусли бюджет” жараёни натижаларига кўра, Фарғона вилояти бўйича энг кўп овоз тўплаган ва ғолиб бўлган умумий қиймати 39 миллиард 351 миллион сўмлик — 145 та таклифни молиялаштириш мақсадида туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари томонидан манзилли рўйхат шакллантирилди. Ана шу таклифларга асосан маблағлар умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, спорт муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ички йўлларни (пиёдалар йўлакчаси, йўл ўтказгичлар) таъмирлаш, ичимлик ва оқова сув таъминотини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳаларига йўналтирилди.

Шакллантирилган манзилли рўйхатларга асосан таклифларни молиялаштиришга бириктирилган буюртмачи ташкилотларга ҳар бир таклиф бўйича тегишли ғазна ҳисоб рақамлари очилди. Туман-шаҳар ҳокимликлари томонидан тегишли маблағлар “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан буюртмачи ташкилотларнинг ғазна ҳисоб рақамларига ўтказиб берилди.

Данғара туманидаги “Увайсий” МФЙ Дўстлик кўчасида яшовчи Мансуржон Расуловнинг аҳоли хонадонларини канализация тармоғига улаш, кўчанинг бир қисмини асфальтлаш тўғрисидаги таклифи “Очиқ бюджет” порталида кўп овоз йиғиб, 230 миллион сўм берилди. Шу тариқа маҳаллада аҳоли хонадонларини канализация тармоғига улаш, кўчага асфальт ётқизиш ишлари олиб борилияпти.

Бағдод туманининг “Қўғоли” МФЙда яшовчи Исломжон Илхомиддинов ҳудуддаги 300 нафарга яқин ўғил-қизлар 6 километр йўл босиб, қўшни Ирғоли қишлоғидаги 30-умумтаълим мактабига қатнаши, шу боис маҳалла аҳли ҳашар йўли билан қишлоқда мактаб филиалини қуриш ишларига киришгани, ишни охирига етказиш учун қўшимча маблағ зарурлиги борасида “Очиқ бюджет” порталига ўз таклифини жойлади. Бу таклиф ғолиб бўлиш учун етарлича овоз тўплади ва 900 миллион сўм маблағ ажратилди. Бугунги кунда Қўғолида 330 ўринли замонавий мактаб қурилиши ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Билим даргоҳини жорий йилда Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯҚИН БЕШ ЙИЛДА УЧ АСОСИЙ ВАЗИФАГА ДИҚҚАТНИ ЖАМЛАШ ТАҚОЗО ҚИЛИНАДИ

*Давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси, аввало, мамлакатимизда яқин келажакда амалга оширилажак ислоҳотларнинг туб мақсадлари ва устувор йўналишларини, мазкур мақсад ҳамда йўналишларнинг белгиланишига асос бўлаётган омилларни англаб олиш имконини беради.*

**Мушоҳада**

Ҳужжатдан кўриниб турибдики, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг пировард мақсади халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш билан боғлиқ. Бу эса яқин беш йилда уч асосий вазифага диққатни жамлашни тақозо қилади.

Хусусан, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилмасдан ва тадбиркорликни жадал ривожлантирмасдан, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминламасдан, фаол фуқаролик жамиятини шакллантирмасдан туриб, жамият аъзолари турмушининг фаровонлигини ошириб бўлмайди. Стратегик мақсад ва вазифаларнинг бундай мазмунда белгиланаётгани бежиз эмас. Фармон лойиҳасида улар жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ҳамда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда аниқланганини алоҳида таъкидланади.

Дарҳақиқат, жаҳон ҳамжамияти бугун мураккаб ва зиддиятларга тўла даврни бошдан кечирмоқда. Жумладан, барча минтақалардаги иқтисодий жараёнлар жадаллашаётир, кескинлашмоқда, иқтисодий рақобат тобора жиддий тус оляпти. Мамлакатлардаги ижтимоий ҳаётда трансформацион жараёнлар содир бўлмоқда. Дунё геосиёсий майдонидаги конфигурация мутлақо ўзгача мазмун ва шакл касб этаётир. Ҳатто миллат ва элатларнинг маънавий-маданий ҳаёти ҳам туб ўзгаришларга дучор бўлмоқда.

Бундай вазиятда мамлакат тараққиётига эришиш, халқ фаровонлигини юксалтириш учун, аввало, иқтисодиётнинг узлуксиз ва барқарор ривожини таъминлаш, унинг рақобатбардошлиги ва таҳдидбардошлигини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларини такомиллаштириш, жамиятда қонун ва ҳуқуқ устуворлигини қарор топтириш тақозо қилинади.

Қўйилган стратегик мақсад ва вазифалар мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижалари билан ҳам уйғундир. Масаланинг моҳияти шундаки, ўтган даврда давлат раҳбарининг раҳнамолиги ва ташаббуси билан жамият ҳаётининг турли соҳаларида ниҳоятда самарали ислоҳотлар амалга оширилди. Мазкур ислоҳотлар мамлакат иқтисодий қудратининг кучайишига, ижтимоий барқарорлигининг мустаҳкамланишига, сиёсий нуфузининг ошишига, маънавий маконининг янгиланишига олиб келди.

**Фармон лойиҳасининг эътиборга лойиқ яна бир жиҳати шундаки, унинг билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлигини таҳлил қилиб бориш механизми жорий қилинмоқда. Хусусан, “Тараққиёт стратегияси” маркази фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ равишда қайта ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Мазкур марказни яқин келажакда Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши таҳлил қилинадиган, тизимли муаммолар умумлаштириладиган, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиладиган мулоқот майдонига айлантириш режалаштирилган.**

Эндиликда Ўзбекистонда янги марраларни эгаллаш, фуқаролар турмуши даражасини юксалтириш учун барча ижтимоий-иқтисодий имкониятлар юзага келиб бўлди. Тараққиёт стратегиясининг халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ мақсади ана шу имкониятлардан келиб чиқиб белгиланмоқда. Тараққиёт стратегиясининг барча устувор йўналишлари, улар миқёсида амалга оширилиши режалаштирилган чоралар стратегия мақсад ва вазифаларига уйғун ҳолда белгилангани, яқин беш йилда кўлами кенг ва ижтимоий аҳамияти салмоқли бўлган механизмларни рўёбга чиқариш кўзда тутилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим.



**Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ўсишига эришиш, рақамли иқтисодиётни драйвер соҳага айлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, молиявий ресурсларни кўпайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, экспорт салоҳиятини ошириш чоралари кўзда тутилган. Бундай чоралар 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан оширишга замин яратади.**

Бу чора ва механизмлар Ўзбекистонда халқпарвар давлат барпо этиш, адолат ва қонун устуворлигини қарор топтириш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий сиёсат адолатпарварлигини юксалтириш, маънавий тараққиётни таъминлаш, мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Масалан, Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ўсишига эришиш, рақамли иқтисодиётни драйвер соҳага айлантириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, молиявий ресурсларни кўпайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, экспорт салоҳиятини ошириш чоралари кўзда тутилган. Бундай чоралар 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан оширишга замин яратади.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кадрлар масаласига бориб тақалиши барчамизга яхши маълум. Салоҳиятли, ўз касбини пухта ўзлаштирган кадрларгина мамлакат иқтисодий юксалишини таъминлай олади. Шуни назарда тутган ҳолда Тараққиёт стратегиясида иқтисодиёт соҳаларини малакали кадрлар билан таъминлаш имконини берадиган узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ва модернизация қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Яқин келажакда мамлакатимизда мактабгача таълим билан қамров даражасини 80 фоизга етказиш, унинг сифатини такомиллаштириш, миллий мактабларни кўпайтириш ва замонавийлаштириш, ўрта махсус таълимнинг замонавий тизимини вужудга келтириш, олий таълимни халқаро андозаларга мослаштириш чоралари кўрилади. Эзгу мақсад уни рўёбга чиқаришга замин ҳозирлайдиган ижтимоий-маънавий муҳитни яратишни талаб этади. Айнан шунинг учун ҳам Тараққиёт стратегияси мақсад ва вазифалари “Инсон қадри учун” тамойилига бўйсундирилган. Бу тамойилни ҳаётга татбиқ этиш учун эса Тараққиёт стратегияси доирасида маҳалланинг фаол моделини жорий этиш, уни аҳоли муаммоларини ҳал қилиш учун зарур ресурслар билан таъминлаш назарда тутилган.

Фармон лойиҳасининг эътиборга лойиқ яна бир жиҳати шундаки, унинг билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлигини таҳлил қилиб бориш механизми жорий қилинмоқда. Хусусан, “Тараққиёт стратегияси” маркази фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ равишда қайта ташкил этиш кўзда тутиляпти. Мазкур марказни яқин келажакда Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши таҳлил қилинадиган, тизимли муаммолар умумлаштириладиган, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиладиган мулоқот майдонига айлантириш режалаштирилган.

Айни пайтда вилоятларда мазкур марказ филиаллари ташкил этилса, фуқароларнинг Тараққиёт стратегияси доирасида ишлаб чиқилган “йўл харита”лари муҳокамасидаги иштироки фаоллашган бўлар эди. Шунингдек, Тараққиёт стратегияси мақсад ва вазифалари, устувор йўналишларига бағишланган тизимли маърифий тадбирларнинг йўлга қўйилиши жамият аъзоларини уларни рўёбга чиқаришга сафарбар қилиш имкониятини оширади.

Умуман олганда, фармон қабул қилиниши билан мамлакат ўз тараққиётининг янги босқичига — Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш даврига қадам қўяди. Бу давр мамлакатда инсон қадр-қимматини улуғлаш, унинг манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқариш, фаровон турмушини таъминлаш даври бўлади.

Албатта, қўйилган салмоқли мақсад ва вазифалар ижроси юртимиз тақдирига бефарқ бўлмаган барча фуқаронинг, айниқса, зиёлиларнинг фаол иштирокини талаб этади. Жамият аъзоларининг ҳамжиҳатликдаги фидокорона меҳнатигина кўзланган марраларга етиш имконини беради.

**Дилмурод НАБИЕВ,**
**Қарши давлат университети ректори.**

# МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ «АҚЛЛИ ИССИҚХОНА» ТИЗИМИНИ ЯРАТДИ

*Бухоро шаҳридаги 2 ҳамда 21-умумтаълим мактаблари ўқувчилари Амир Афаков ва Владлен Хан ўзаро ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнини енгиллаштирувчи, қўл меҳнатини камайтирувчи “Ақлли иссиқхона” тизимини яратди.*



**Изланиш**

— Олти ой мобайнида олиб борган изланишларимиз зое кетмади, — дейди Амир Афаков. — “Ақлли иссиқхона” тўлиқ автоматлаштирилган тизим бўлиб, қатор афзалликларга эга. Бунда иссиқхонада экинни томчилатиб суғориш ускунаси ўрнатилади ва сув сарфи бир гектар ерга йилига атиги 730 минг литрни ташкил этади. Эҳтиёж сезилмаган паллада электр таъминоти узилади. Қуёш панеллари кўмагига ҳам таяниш мумкин. Қолаверса, иссиқхона ҳароратини назорат қилувчи ускуналар бор. Биз бу тизимнинг бенуқсон ишлаши учун уч йилга кафолат берамиз.

Дарвоқе, бу икки ёш ҳамкорликда “Ustech” компаниясига асос солишган. Мактаб ўқувчиларининг мазкур инновацион ишланмаси “Ed Tech Hub Buxhara” лойиҳаси доирасида ўтказилган IT-стартаплар танловида биринчи ўринга муносиб кўрилди ва 30 миллион сўм миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Самарқандда 1-Меҳрибонлик уйи эшиклари бутунлай ёпилди

*Бугунги кунда ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими янги босқичга олиб чиқилиши ижтимоий соҳада қиёси йўқ натижаларга замин яратмоқда. Қисқа давр ичида рўёбга чиқарилган амалий ишлар самарасида қатор Меҳрибонлик уйларининг ўнлаб тарбияланувчилари ота-она меҳридан баҳраманд бўлишдек бахтга етишди.*

**Ғамхўрлик**

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Миллий гвардиянинг вилоят бошқармаси, халқ таълими бошқармаси ва қатор ҳомийларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли Самарқанд шаҳридаги 1-сонли Меҳрибонлик уйи эшиклари буткул ёпилди ҳамда ушбу муассасадаги болажонлар йиллар давомида орзиқиб кутган орзулари — оила бағрида яшаш имконига эга бўлдилар.

Гап шундаки, ўтган йилнинг сўнгги кунларида Пастдарғом туманининг “Катта найман” маҳалла фуқаролар йиғинида 1-сонли Оилавий болалар уйи очилди. Жўраевлар оиласи 6 нафар ўғил-қизни ўз тарбиясига олиб, савобли ишга қўл урди. Айни шу тумандаги Маданий юриш маҳалласида Солижон Эшонқулов ва Гулноза Ҳамроева ҳам яхши ният билан очган Оилавий болалар уйига 1-сонли Меҳрибонлик уйининг 5 нафар тарбияланувчисини қабул қилди.



Қайд этиш керакки, шу кунга қадар Самарқанд вилоятида 9 та Оилавий болалар уйи ташкил этилган бўлиб, уларда 53 нафар ўғил-қиз янги йилни ўзгача шоду хуррамликда кутиб олди. Шунингдек, 1-сонли Меҳрибонлик уйининг 9 нафар тарбияланувчиси фарзандликка берилди, 5 нафари васийликка ва 9 нафари патронатга топширилган бўлса, яна 18 нафари ўз оиласи бағрига қайтди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси атоқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси парламенти бир неча чақириғининг депутати, меҳнат фахрийси Қаллибек Камаловга турмуш ўртоғи

**Любовь Семёновна КАМАЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Мурат Қаллибекович Камаловга волидаи муҳтарамаси

**Любовь Семёновна КАМАЛОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 35 742 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5 6